

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/07.06.2024.Tib.95.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗОИТОВА НИЛУФАР МАЪМУРЖОН ҚИЗИ

**ФЕРРИТИННИНГ ЭКСТРАКОРПОРАЛ УРУҒЛАНТИРИШ
САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Зоитова Нилуфар Маъмуржон қизи «Ферритиннинг экстракорпорал уруғлантириш самарадорлигига таъсирини ўрганиш»	3
Зоитова Нилуфар Маъмуржон қизи «Изучение влияния ферритина на эффективность экстракорпорального оплодотворение»	30
Zoitova Nilufar Mamurjon kizi «Study of the influence of ferritin on the effectiveness of in vitro fertilization»	57
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	61

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/07.06.2024.Tib.95.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЗОИТОВА НИЛУФАР МАЪМУРЖОН ҚИЗИ

**ФЕРРИТИННИНГ ЭКСТРАКОРПОРАЛ УРУҒЛАНТИРИШ
САМАРАДОРЛИГИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2023.3PhD/Tib3686 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва “Ziyonet” ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юлдашева Дилчехра Юсуфхановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

- Ахмаджонова Гулноза Мурадовна, тиббиёт фанлари доктори, доцент

- Ихтиярова Гульчехра Акмаловна, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

-Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази.

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/07.06.2024.Tib.95.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю. Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50, e-mail: info@[adti.uz](mailto:info@adti.uz)).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю. Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Арзикулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ш.О. Тошбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

О.А. Якубова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ, 2023) маълумотларига кўра, “бугунги кунда катта ёшли аҳоли орасида бепуштликнинг тарқалиши тахминан 17,5%ни ташкил этади, бу дунёдаги ҳар олтинчи одамига тўғри келади”¹. Репродуктив технологиялар соҳасида эришилган ютуқларга қарамай, Европа инсон репродуктив ва эмбриология жамияти ҳисоботларига кўра, “экстракорпорал уруғлантиришнинг (ЭКУ) барча цикллари учун клиник ҳомиладорликнинг юзага келиш кўрсаткичи фолликулалар пункцияси учун 29,1% ва эмбриотрансфер учун 33,2% ни ташкил этди”. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болаларга ёрдам кўрсатиш халқаро фавқулодда жамғармаси (UNICEF, 2023) маълумотларига кўра, “туғиш ёшидаги аёлларнинг тахминан 40% темир танқислигидан азият чекади, аёллар орасида камқонлик даражаси 20%ни ташкил этади”, бу ҳомиладорлик ва туғруқнинг юзага келиши ва кечишига, шунингдек, фолликулогенез жараёнларига, ооцитлар сифатига ва эндометрийнинг имплантация қобилятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Жаҳонда бепуштлик мавжуд аёлларда экстракорпорал уруғлантиришнинг салбий оқибатларини ўрганиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу ҳолат самарадорликни пасайтирадиган яширин, аммо ўзгартирилиши мумкин бўлган омилларни чуқурроқ ташхислаш ва бартараф этиш заруратини келтириб чиқаради. Ҳозирги вақтда латент темир танқислиги (ЛТТ) ва нормал даражали гемоглобини мавжуд аёлларда экстракорпорал уруғлантириш муолажасининг натижалари ва хавф даражасини кўрсатадиган маълумотлар йўқ. Шу муносабат билан диссертациямизнинг танланган йўналиши жуда долзарб бўлиб, ўтказилган таҳлил амалий соғлиқни сақлашга, репродуктив ёшдаги бепушт аёлларга тиббий ёрдам кўрсатишда тўғри ёндашувларни излашга имкон беради.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, бепуштлик мавжуд аёлларга экстракорпорал уруғлантириш усули орқали самарали тиббий ёрдам кўрсатиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, хавф омилларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ «... репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, экстракорпорал уруғлантириш дастурлари самарадорлигига латент темир танқислиги таъсирини ўрганиш, экстракорпорал уруғлантириш дастурлари натижаларини яхшилаш учун диагностика ва даволаш

¹WHO. 1 in 6 people globally affected by infertility. 04 April 2023. <https://www.who.int/news/item/04-04-2023-1-in-6-people-globally-affected-by-infertility>.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармони

имкониятларини оптималлаштириш бўйича тадқиқотлар мақсадга мувофиқдир.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 6 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-156-сон фармони, 2021 йил 6 майдаги «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги ПФ-6221-сон, 2022 йил 29 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармонлари, 2023 йил 8 сентябрдаги «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-296-сон, 2022 йил 25 апрелдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-215-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда сўнгги йилларда темир танқислигининг репродуктив функцияга таъсирини таҳлил қилишга бағишланган аксарият адабиётлар фаол ўрганилмоқда (Wen S., 2024; Ahmed K., 2025). Экстракорпорал уруғлантиришдан олдин ва кейин бепуштлиги мавжуд аёлларда темир танқислигини тўлдириш ҳомиладорлик кўрсаткичини сезиларли даражада оширади ва ўз-ўзидан ҳомила тушиш хавфини камайтиради, бу эса ёрдамчи репродуктив технология (ЁРТ) дастурларидан олдин темирни назорат қилиш зарурлигини таъкидлайди (Tulenheimo-Silfvast, 2025; Kato M., 2025). Шунингдек, ферритиннинг паст даражаси (< 30 $\mu\text{g}/\text{l}$) ва одатий ҳомила тушиши бўлган аёлларда эрта ҳомила тушиш сони ўртасидаги боғлиқлик аниқланди, бу ҳомиладорликнинг барқарорлиги учун темир ҳолатининг муҳимлигини кўрсатади (Mishra S., 2025; Zych-Krekora K., 2025).

МДХ мамлакатлари ҳудудида ўтказилган тадқиқотлар ҳам репродуктив патологияда темир алмашинуви бузилишининг аҳамиятини тасдиқлайди (Стуклов Н.И., 2024; Андреева Е.Н., 2025). Бир қатор маҳаллий нашрларда фертил ёшдаги ва ҳомиладор аёлларда темир танқис камқонлик тарқалишининг юқори кўрсаткичлари тавсифланган, аммо латент темир танқислиги муаммоси етарлича батафсил ўрганилмаган (Налетова Л.А., 2025). Демак, бир қатор демографик тадқиқотлар маълумотларига кўра, турли даражадаги камқонлик туғиш ёшидаги аёлларнинг 35-50% да аниқланади, бу гуруҳда темир танқислигининг яширин шакллари тарқалиши тўғрисида тизимли маълумотлар ҳали етарли эмас (Романенко Н.А., 2024; Бакиров Б. А., 2025).

Ўзбекистонда камқонлик репродуктив ёшдаги аёлларнинг 60,4%да аниқланади, ҳомиладор аёлларда темир танқислиги 80% ҳолларда темир танқис камқонликка сабаб бўлади (Раджабов Р.К.,2024; Джураева Г.Т., 2025). Бироқ, миллий адабиётларда бепуштлиқ мавжуд аёлларда яширин темир танқислиги ва унинг ёрдамчи репродуктив технология натижаларига таъсири бўйича тадқиқотлар деярли йўқ (Shukurov F.I., 2024). Экстракорпорал уруғлантириш дастурларидан олдин латент темир танқислигини аниқлашга қаратилган скрининг дастурларининг мавжуд эмаслиги ушбу ҳолатни эрта ташхислаш ва бартараф этиш имкониятларини чеклайди.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган маълумотлар мақсадли клиник тадқиқотлар ўтказиш ва миллий соғлиқни сақлаш тизими шароитларига мослаштирилган бундай беморларни олиб бориш алгоритмларини ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг оилавий тиббиётда акушерлик ва гинекология кафедрасида Давлат илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ амалга оширилди, 2022-2025 йилларда рўйхатга олиш №012300281 ИТИ “Она ва бола саломатлигининг тиббий-ижтимоий муаммолари. Ташхислаш, башоратлаш, даволаш ва олдини олиш масалаларининг ечимини топиш” мавзусидаги илмий ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аёллар бепуштлигида латент темир танқислигини бартараф этиш орқали экстракорпорал уруғлантириш циклларида эмбрионлар сифатини ва ҳомиладорликнинг юзага келиш кўрсаткичини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

экстракорпорал уруғлантириш дастурини бошлашдан олдин бепуштлиқ мавжуд аёлларда латент темир танқислиги тарқалишини аниқлаш учун сўронома ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш;

бепуштлиги мавжуд аёлларнинг қонида нормал темир даражаси ва латент темир танқислиги ҳолатларида ооцитлар ва эмбрионларнинг сифати ҳамда ҳомиладорликнинг юзага келиш кўрсаткичини қиёсий равишда аниқлаш;

экстракорпорал уруғлантириш дастурига тайёргарлик босқичида ва уни ўтказиш мобайнида бепуштлиги мавжуд аёлларнинг фолликуляр суюқлигидаги латент темир танқислигини корреляцион таҳлилини ўтказиш;

экстракорпорал уруғлантириш дастуридан олдин ва дастур давомида латент темир танқислигини бартараф этиш бўйича ишлаб чиқилган алгоритмнинг қиёсий равишда самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2022-2024 йиллар мобайнида «Siz ona bo'lasiz» экстракорпорал уруғлантириш марказига даволаниш учун мурожаат қилган бирламчи ва иккиламчи бепуштлиги мавжуд 106 нафар аёллар олинган бўлиб, 85 та аёлда темир танқислиги ва 21 та аёлда меъёридаги ферритин даражаси аниқланган бўйлама когорт тадқиқот ўтказилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бепуштлик мавжуд аёлларнинг периферик веноз қони, фолликуляр суюқлик (ФС), стимуляция қилинган тухумдонларнинг пункцияси орқали олинган ооцитлар, экстракорпорал уруғлантириш амалиёти натижасидаги эмбрионлар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда экстракорпорал уруғлантириш муолажасини ўтказиш учун бепуштлиги ва латент темир танқислиги мавжуд аёлларни олиб бориш усулини ишлаб чиқиш, ҳамда салбий оқибатларни олдини олиш мақсадида сўровнома, клиник, функционал, гематологик, биокимёвий, иммунофермент, молекуляр-биологик, цитологик, морфологик ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ҳомиладорликни режалаштиришнинг периконцепсия давридаги аёллар учун амбулатор шароитда самарали скрининг воситаси сифатида тавсия этиш имконини берувчи латент темир танқислигини аниқлашда Google Forms платформаси орқали яратилган сўровноманинг юқори сезгирлиги (93%) ва ўзига ҳослиги (86%) исботланган;

бепуштлик мавжуд аёлларда ооцитлар сифатининг 47% га ($p < 0,001$), муваффақиятли уруғланиш кўрсаткичининг 3 баробарга ($p < 0,001$) ва эмбрионлар сифатининг 3,3 баробарга ($p < 0,001$) пасайишига олиб келувчи, экстракорпорал уруғлантириш дастурларида эмбрионлар сифатини ва қуйи ферритин кўрсаткичларини намоеън қилувчи латент темир танқислиги мустақил предиктор сифатида клиник аҳамияти исботланган;

ооцитлар сифатининг 2,2 баробарга ($p < 0,001$), уруғланишнинг 3 баробарга ($p < 0,001$), эмбрионлар сифатининг 2,1 баробарга ($p < 0,001$), ҳомиладорликни юзага келиш кўрсаткичини 2,4 баробарга ($p < 0,001$) камайишига олиб келувчи тухумдонларни стимуляция қилиш даврида темир билан фаол даволашда фолликуляр суюқликда ферритин миқдорининг ошиши оксидатив стресс билан боғлиқ бўлиши мумкинлиги исботланган;

уруғлантиришни 2,1 баробарга ($p < 0,001$), эмбрионлар сифатини 2,5 баробарга ($p < 0,01$) ва ҳомиладорликни юзага келиш кўрсаткичини 2,2 баробарга ($p < 0,01$) оширишни намоеън қилувчи латент темир танқислигини комплекс даволаш муддати ва репродуктив оқибатлар ўртасидаги ишончли боғлиқлик исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўтказилган клиник-анамнестик ва лаборатория маълумотлари асосида бепуштлик мавжуд аёлларда латент темир танқислиги скрининги учун Google Forms платформасига жойлаштирилган электрон сўровноманинг юқори диагностик самарадорлиги асосланган;

қон ва фолликуляр суюқликдаги ферритин даражасини аниқлашни амалиётга киритиш натижасида экстракорпорал уруғлантириш дастурининг (ооцитлар ва эмбрионларнинг сифати, шунингдек, ҳомиладорликни юзага келиши) салбий натижаларининг камайиши асосланган;

турмуш тарзи омилларини мувозанатлаш бўйича комплекс чоратадбирларнинг индивидуал режасини тузиш (жисмоний фаоллик, тўлақонли уйқу, рационал овқатланиш, темир препаратларини сўрилиши ва

ўзлаштирилишини ҳисобга олган ҳолда тўғри танлаш, оксил-антиоксидант ҳолатини тиклаш, ҳамда хужайралар ва фолликуляр муҳитда метаболизмни яхшилаш учун кофакторларни киритиш) экстракорпорал уруғлантириш дастурининг самарадорлигини ошириши асосланган;

латент темир танқислигини коррекциялашга қаратилган такомиллаштирилган чора-тадбирларни қўллаш натижасида ЭКУ дастурларида эмбрионлар сифатининг яхшиланиши ва ҳомиладорлик юзага келиш имкониятининг ортиши илмий асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишида қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, функционал, гематологик, биокимёвий, иммунофермент, молекуляр-биологик, цитологик, морфологик ва статистик тадқиқот усуллари асосида экстракорпорал уруғлантириш дастурини муваффақиятли самара беришида феритинни аниқлашнинг ўзига хослиги, натижаларнинг халқаро, ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулосалар, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти экстракорпорал уруғлантириш дастуридан олдин бепуштлиги мавжуд аёлларда ферритиннинг патологик даражаси экстракорпорал уруғлантириш дастури самарадорлиги, тухум хужайралар, эмбрионлар сифати билан статистик боғлиқлиги аниқланганлиги, шунингдек, бир вақтнинг ўзида экстракорпорал уруғлантириш дастурини ўтказган аёлларда барча кўрсаткичларнинг экстракорпорал уруғлантириш дастурига тайёргарлик кўришнинг преконцепсия даврида даволаш ўтказилган аёллар гуруҳидан статистик жиҳатдан сезиларли фарқланиши учун назарий асос яратилганлиги, организмнинг физиологик темир билан тўйиниши ва унинг хужайра даражасида ўзлаштирилиши учун вақт оралиғига риоя қилиш, бу эса ооцитлар, эмбрионлар сифати ва ҳомиладорликни юзага келиш имкониятини яхшиланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, экстракорпорал уруғлантириш дастурига тайёрланаётган бепушт аёлларда қон ва фолликуляр суюқлик таҳлилларида ферритиннинг патологик кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда экстракорпорал уруғлантириш дастурини ўтказиш усулини такомиллаштириш ва жорий этиш тухум хужайралар (M2, M1), эмбрионлар (2pn, A, B) сифатини бир неча баробарга ошириш, экстракорпорал уруғлантириш самарадорлигини яхшилаш ва ҳомиладорликни юзага келиш имкониятини ошириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Экстракорпорал уруғлантириш дастуридан олдин бепуштлиги мавжуд аёлларни клиник, функционал, гематологик, биокимёвий, иммунофермент, молекуляр-биологик, цитологик, морфологик ва статистик текширув усуллари асосида:

биринчи илмий янгилик: ҳомиладорликни режалаштиришнинг периконцепция давридаги аёллар учун амбулатор шароитда самарали скрининг воситаси сифатида тавсия этиш имконини берувчи латент темир танқислигини аниқлашда Google Forms платформаси орқали яратилган сўровноманинг юқори сезгирлиги ва ўзига хослигини аниқлаш натижалари Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи-эксперт кенгашининг 2025-йил 24-мартдаги 03-25/541-т-сон қарори билан тасдиқланган “Ферритин ва фертиллик: ёрдамчи репродуктив технологиялардан олдин коррекциялаш алгоритми” услубий тавсиянома таркибига киритилган. Мазкур натижалар Doctor-D-IVF Репродуктив тиббиёт ва генетика институтининг 2025-йил 2-майдаги 61-сон, Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон вилояти филиалининг 2025-йил 12-майдаги 24-сон ҳамда Тошкент шаҳар 6-сон туғруқ комплексининг 2025-йил 12-майдаги 2-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 17 июлдаги №22/13-сонли хулосаси). **Ижтимоий самарадорлик:** аёлларда периконцепсион даврда латент темир танқислигини аниқлаш имкониятини бериб, экстракорпорал уруғлантиришнинг самарасиз дастурлари ва ҳомиладорликнинг асоратли кечиши хавфини камайтирди. **Иқтисодий самарадорлик:** бирламчи диагностика учун асосиз харажатларни қисқартириш (ўртача 520 000 сўмгача), ҳамда такрорий экстракорпорал уруғлантириш дастурларини ва асоратли ҳомиладорликни даволашнинг олдини олиш ҳисобига ҳар бир бепушт аёл учун 27 990 000 сўмгача тежамкорликка эришиш орқали намоён бўлиб, соғлиқни сақлаш тизими учун аҳамиятли иқтисодий самара яратди;

иккинчи илмий янгилик: бепуштлик мавжуд аёлларда ооцитлар сифатининг 47% га, муваффақиятли уруғланиш кўрсаткичининг 3 баробарга ва эмбрионлар сифатининг 3,3 баробарга пасайишига олиб келувчи, экстракорпорал уруғлантириш дастурларида эмбрионлар сифатини ва қуйи ферритин кўрсаткичларини намоён қилувчи латент темир танқислиги кўрсаткичини мустақил предиктор сифатида клиник аҳамияти натижалари Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи-эксперт кенгашининг 2025-йил 24-мартдаги 03-25/541- т-сон қарори билан тасдиқланган “Ферритин ва фертиллик: ёрдамчи репродуктив технологиялардан олдин коррекциялаш алгоритми” услубий тавсиянома таркибига киритилган. Мазкур натижалар Doctor-D-IVF Репродуктив тиббиёт ва генетика институтининг 2025-йил 2-майдаги 61-сон, Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон вилояти филиалининг 2025-йил 12-майдаги 24-сон ҳамда Тошкент шаҳар 6-сон туғруқ комплексининг 2025-йил 12-майдаги 2-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 17 июлдаги №22/13-сонли хулосаси). **Ижтимоий самарадорлиги:** бундай ёндашувларни жорий этиш аёлларнинг репродуктив саломатлигини сақлашга хизмат қилди, такрорий самарасиз экстракорпорал уруғлантириш дастурлари билан боғлиқ психологик ва ижтимоий юкни камайтирди, ҳамда соғлом фарзанд туғилиш эҳтимолини оширди. **Иқтисодий самарадорлик:** 1 нафар бепуштлик мавжуд

аёл ҳисобига овуляция стимуляцияси даврида дори воситалари ва лаборатор текширувлар харажатларини қисқартириш, шунингдек экстракорпорал уруғлантиришнинг такрорий дастурлари сонини камайтириш ҳисобидан ўртача 28 000 000 сўмгача тежамкорликка эришиш имконини берди ва соғлиқни сақлаш тизими учун аҳамиятли кумулятив самара яратди;

учинчи илмий янгилик: ооцитлар сифатининг 2,2 баробарга, уруғланишнинг 3 баробарга, эмбрионлар сифатининг 2,1 баробарга, ҳомиладорликни юзага келиш кўрсаткичини 2,4 баробарга камайишига олиб келувчи тухумдонларни стимуляция қилиш даврида темир билан фаол даволашда фолликуляр суюқликда ферритин миқдорининг ошиши оксидатив стресс билан боғлиқ бўлиши мумкинлиги натижалари Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи-эксперт кенгашининг 2025-йил 24-мартдаги 03-25/541-т-сон қарори билан тасдиқланган “Ферритин ва фертилик: ёрдамчи репродуктив технологиялардан олдин коррекциялаш алгоритми” услубий тавсиянома таркибига киритилган. Мазкур натижалар Doctor-D-IVF Репродуктив тиббиёт ва генетика институтининг 2025-йил 2-майдаги 61-сон, Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон вилояти филиалининг 2025-йил 12-майдаги 24-сон ҳамда Тошкент шаҳар 6-сон туғруқ комплексининг 2025-йил 12-майдаги 2-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 17 июлдаги №22/13-сонли хулосаси).

Ижтимоий самарадорлик: репродуктив йўқотишлар хавфини камайтириш, экстракорпорал уруғлантириш дастурларининг самарадорлигини ошириш ва бепушт аёлларнинг ҳаёт сифатини яхшилашда намоён бўлиб, ижтимоий аҳамиятга эга вазифа — ёрдамчи репродуктив технологияларнинг камроқ уринишларида соғлом фарзанд туғилишини таъминлашга хизмат қилади.

Иқтисодий самарадорлик: экстракорпорал уруғлантиришнинг такрорий циклларига эҳтиёжни камайтириш ва қимматбаҳо дори воситаларига бўлган харажатларни қисқартириш орқали намоён бўлиб, ҳар бир бепушт аёл учун ўртача 28 000 000 сўмгача тежамкорликка эришиш имконини берди, ҳамда беморлар ва соғлиқни сақлаш тизими учун аҳамиятли иқтисодий самара яратди, шу билан бирга экстракорпорал уруғлантириш дастурларининг умумий оммага етарли даражада очиклигини оширди.

тўртинчи илмий янгилик: уруғлантиришни 2,1 баробарга, эмбрионлар сифатини 2,5 баробарга ва ҳомиладорликни юзага келиш кўрсаткичини 2,2 баробарга оширишни намоён қилувчи латент темир танқислигини комплекс даволаш муддати ва репродуктив оқибатлар ўртасидаги ишончли боғлиқлик натижалари Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи-эксперт кенгашининг 2025-йил 24-мартдаги 03-25/541-т-сон қарори билан тасдиқланган “Ферритин ва фертилик: ёрдамчи репродуктив технологиялардан олдин коррекциялаш алгоритми” услубий тавсиянома таркибига киритилган. Мазкур натижалар Doctor-D-IVF Репродуктив тиббиёт ва генетика институтининг 2025-йил 2-майдаги 61-сон, Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Андижон вилояти филиалининг 2025-йил 12-майдаги 24-сон ҳамда Тошкент

шаҳар 6-сон туғруқ комплексининг 2025-йил 12-майдаги 2-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий-техник кенгашининг 2025 йил 17 июлдаги №22/13-сонли хулосаси). **Ижтимоий самарадорлиги:** ортиқча темир терапиясининг овуляция стимуляцияси давридаги нохуш оқибатларини олдини олишда намоён бўлиб, ооцит ва эмбрионлар сифатининг ёмонлашиши хавфини камайтирди, экстракорпорал уруғлантиришнинг самарасиз цикллари сонини қисқартирди. **Иқтисодий самарадорлик:** латент темир танқислигини тузатиш муддатларини оптималлаштириш орқали соғлиқни сақлаш тизими ресурсларидан оқилона фойдаланишга, оилаларнинг молиявий юқини камайтиришга ҳамда ҳар бир бепушт аёл учун ўртача 28 000 000 сўмгача тежамкорликка эришиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати очиқ берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси ҳамда тадқиқотнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги ёритиб берилган. Шунингдек, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети ва усуллари тизимли равишда келтирилган. Мазкур қисмда диссертация натижаларининг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти очиқ берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги кўрсатилган, ишнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган ҳамда тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ифодаланган бўлиб, апробация ҳамда тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши ҳамда ишнинг ҳажми ва тузилишига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида «**Ферритин ва фертилик: темир алмашинуви репродуктив тиббиётда асосий омил сифатида**» мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган. Шарҳда бепуштлиқ муаммосининг долзарблиги ва темир танқислиги ҳолатларида ёрдамчи репродуктив технологияларнинг самарадорлиги, ферритин омили репродуктив салоҳият

маркери сифатида: ооцитлар ва эмбрионларга таъсири ҳақидаги замонавий маълумотлар таҳлил қилинган, ЭКУ шароитида темир танқислигини ташхислаш ва даволаш муаммолари кўрсатилган.

Диссертациянинг **"Ферритин билан боғлиқ ҳолда ЭКУнинг самарадорлигини баҳолаш учун тадқиқот материаллари ва усуллари"** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари тавсифланган. Ушбу проспектив тадқиқот 2022-2024 йиллар мобайнида «Siz ona bo'lasiz» ЭКУ марказида ўтказилди. Тадқиқот мақсадини амалга ошириш учун клиник-лаборатор мезонлар асосида ферритин даражаси паст бўлган 23 ёшдан 42 ёшгача бўлган бепуштлиги бўлган жами 85 нафар аёл текширувдан ўтказилди. Биринчи таққослаш гуруҳини муваффақиятсиз ЭКУ дастуридан кейин ферритиннинг паст даражаси аниқланган 20 нафар аёл ташкил этди. Иккинчи асосий гуруҳ ЭКУга тайёргарлик босқичида бўлган 65 нафар аёлдан иборат бўлиб, уларда темир танқислиги ташхиси қўйилган ва уларга ЭКУга тайёргарлик ва стимуляция босқичида латент темир танқислигини даволаш комплекс терапияси ўтказилган. Ушбу аёллар икки кичик гуруҳга бўлинган: биринчи (1а) кичик гуруҳ (n=29) стимуляциядан олдин ва стимуляция пайтида темир препаратлари билан даволанган, иккинчи (2б) кичик гуруҳ (n=36) - дастлаб комплекс терапиянинг тўлиқ курсини ўтказган, сўнгра 2 ойдан кейин стимуляция ва ЭКУ дастури бошланган. Назорат гуруҳини ферритин даражаси меъёрда бўлган 30 нафар аёл ташкил этди.

Бепуштлиги мавжуд аёлларни тадқиқотга киритиш мезонлари қуйидагилар эди: қондаги ферритин даражаси 30 мкг/л дан паст, ЭКУ дастурини ўтказиш учун кўрсатмаларнинг мавжудлиги ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 14.01.2020-йилдаги 106-сонли «Ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги буйруғига мувофиқ тадқиқотда иштирок этиш учун ихтиёрий хабардор қилинган розиликнинг имзоланиши.

Тадқиқотнинг истисно мезонлари сифатида қуйидагилар кўриб чиқилди: эр-хотинларда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 14.01.2020-йилдаги 106-сонли «Ёрдамчи репродуктив технологиядан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги буйруғининг 2-иловасига мувофиқ ЁРТнинг асосий дастурини ўтказишга қарши кўрсатмаларнинг мавжудлиги, шунингдек, аёлда эндометриознинг мавжудлиги, шифохонага мурожаат қилишдан олдинги охириги 3 ой ичида темир препаратлари, С витамини ва бошқа микроэлементлар ва поливитаминларни қабул қилиш, бепуштликнинг эркак омили, генетик касалликларнинг мавжудлиги, шунингдек, ушбу тадқиқотда иштирок этишдан бош тортганлар.

Клиник тадқиқот икки босқичда ўтказилди. Тадқиқотнинг биринчи босқичида «Siz ona bo'lasiz» клиникасига ЭКУ дастурига тайёргарлик кўриш учун мурожаат қилган бепуштлиги бўлган 201 нафар аёлга ишлаб чиқилган ва *Google Forms* платформасига жойлаштирилган электрон сўровнома ёрдамида сўров ўтказилди, шундан сўнг дастур ёрдамида олдиндан белгиланган алгоритм асосида натижаларни тезкор микдорий баҳолаш амалга оширилди.

Сўровномадан ўтган барча аёлларда ЛТТни аниқлаш ва сўровнома натижаларининг ишончилигини назорат қилиш учун қондаги ферритин даражаси ҳам аниқланди. Ушбу босқичда тадқиқотга киритилиш ва истисно мезонларига мувофиқ, умумий текширилганлар орасидан 106 нафар бепушт аёл тадқиқотга киритилди: улардан 21 нафари нормал ферритин кўрсаткичлари (>30 нг/мл) бўлган назорат гуруҳи (10,4%), 85 нафар аёл (42,3%) - ЛТТ (ферритин даражаси 15-30 нг/мл) мавжуд гуруҳ.

ЭКУ дастури доирасида эр-хотинни клиник, лаборатория ва инструментал текшириш режаси Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 14.01.2020-йилдаги 106-сонли «Ёрдамчи репродуктив технологиядан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги буйруғи талабларига мос келди.

Темир алмашинувини ўрганиш мақсадида қуйидагилар амалга оширилди:

- бирламчи мурожаатда қон зардобидаги темир (ЗТ), зардоб ферритини (ЗФ), трансферрин (ТФ), қон зардобининг умумий темир боғлаш қобиляти (УТБК) ни аниқлаш;
- Тухумдонлар пункцияси пайтида ФС ва веноз қонда, шунингдек, асосий гуруҳда эмбрионларни кўчириб ўтказишдан олдин веноз қонда ферритинни аниқлаш.

Тадқиқотда статистик таҳлил воситалари сифатида Microsoft Excel ва STATISTICA v6.1 дастурларидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Бепуштлиқ мавжуд аёлларни клиник-лаборатор текшириш натижалари**» деб номланган учинчи бобида ЭКУ дастурини оптималлаштириш учун ишлаб чиқилган алгоритмнинг самарадорлиги баҳоланди. У прегравидар тайёргарлик босқичида ферритин даражаси паст бўлган беморларни аниқлаш, гематологик ва феррокинетик кўрсаткичларни комплекс ўрганиш орқали ташхисни тасдиқлаш ҳамда латент темир танқислигини меъёрлаштиришни ўз ичига олади.

1-жадвал.


Беморларнинг ёши бўйича тақсимланиши, (абс, %)

Ёш	НГ, n=21		1-таққослаш гуруҳи, n=20		2- асосий гуруҳ, n=65	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
25 ёшгача	7	33,3	2	10,0	7	10,8
26-30	8	38,1	9	45,0	14	21,5
30-35	5	23,8	6	30,0	29	44,6
36-39	1	4,8	3	15,0	13	20,0
40 ва <	-	-	-	-	2	3,1

Тадқиқот доирасида (1-жадвал) аёлларнинг ёш гуруҳлари таққосланди. Назорат гуруҳида 25 ёшгача бўлган аёлларнинг ёш тоифаси (33,3%), 1- (10%) ва 2- (10,8%) гуруҳларда эса 3 барабар кам, бу назорат гуруҳида бепуштлиқ бўйича тиббий ёрдамга эрта мурожаат қилишни кўрсатади. 1-гуруҳдаги 26-30


ёшдаги (45%) ва 2-гурухдаги 30-35 ёшдаги (44,6%) аёллар бепуштлик бўйича тиббий ёрдамга энг кўп мурожаат қилган тоифадир. Ушбу маълумотлар шуни кўрсатадики, ферритин даражаси паст бўлган 35 ёшгача бўлган аёлларда бепуштлик муаммоси кўпроқ учрайди ва улар репродуктив технологияларга энг кўп мурожаат қилишади. 35 ёшдан ошган гуруҳда ёш тузилиши камроқ ифодаланган, бу ферритин даражаси паст бўлган 35 ёшдан ошган аёлларда бепуштликнинг паст кўрсаткичлигидан далолат бериши мумкин. Бу бепуштликни ташхислаш ва даволашда ёш омилларини ҳисобга олиш муҳимлигини таъкидлайди, шунингдек, темир танқислигининг ушбу ёш тоифасидаги аёлларнинг репродуктив саломатлигига таъсирини кўрсатади.

1-расмда бепуштлик мавжуд аёллар билан ўтказилган сўровнома натижалари ва ферритин даражаси ўртасидаги боғлиқлик таҳлил қилинган. Олинган натижалар юқори ишончлилик билан ($p < 0,001$) ферритин даражаси ва бепушт аёлларда кўнгил айнаши, кекириш, оғизда аччиқлик, қабзият, жиғилдон қайнаши, қорин дам бўлиши ва овқатдан кейинги оғирлик каби ошқозон-ичак трактининг функционал бузилишлари ўртасидаги боғлиқликнинг аҳамиятини тасдиқлайди. Латент ва темир танқислиги бўлган аёлларда антибиотикларни қабул қилиш кўрсаткичи ошиши ичак микрофлорасининг бузилишини, темирнинг биологик ўзлаштирилишининг пасайишига олиб келадиган диспептик бузилишларни, нутриентларнинг ўзлаштирилишининг ёмонлашишини кўрсатади. Меъда-ичак тракти функциясининг бузилиши темир ва бошқа витаминларнинг сўрилишини пасайтиради ва ферритин даражасининг пасайишига ва темир танқислигининг ривожланишига олиб келади ва аёлнинг репродуктив функциясига салбий таъсир кўрсатади.



1-расм. Бепуштлик ва ферритин даражаси паст бўлган аёлларда гастроинтестинал симптомлар кўрсаткичи

2-расмда келтирилган маълумотларга асосланиб, қондаги ферритин даражаси билан фарқ қилувчи бепушт аёллар гуруҳлари ўртасида камқонлик белгиларининг кўрсаткичи таққосланди.



2-расм. Текширилаётган аёлларда камқонлик белгиларининг кўрсаткичи, %.

Назорат гуруҳи ва ферритин даражаси паст бўлган гуруҳлар билан таққослаш шуни кўрсатдики, чарчоқ, бош айланиши, соч тўкилиши, тирноқларнинг мўртлиги, оёқ-қўлларнинг совуқлиги, тил рангининг ўзгариши ва терининг рангпарлиги каби камқонлик белгилари ферритин даражаси паст бўлган гуруҳларда сезиларли даражада тез-тез учрайди.

Прегравидар тайёргарлик босқичида ЛТТ аниқланганда, дори-дармонсиз ва дори-дармонли таъсир усулларини ўз ичига олган олиб бориш чоратадбирларининг индивидуал режаси тузилди.

Турмуш тарзи омилларини тузатиш бўйича тавсиялар қуйидагиларни ўз ичига олди:

- ўртача жисмоний фаоллик (юриш, йога, сузиш, пилатес);
- тўлақонли уйку (камида 7-8 соат);
- ТВИ 25 кг/м² дан ортиқ бўлганда тана вазнини рационал камайтириш;
- парҳез: танинлар ва полифенолларни истеъмол қилишни чеклаш - таркибида ичимликлар (чой, қаҳва, какао, қизил шароб), газланган ичимликлар, сут маҳсулотлари, ёғли овқатлар ва фаст-фудлар, шунингдек, дон, дуккаклилар, ёнғоқлар ва уруғларни ивитиш, ферментация қилиш ёки ўстиришдан кейин истеъмол қилиш.

Темир танқислигини медикаментоз коррекциялаш 100 мг темир сульфатнинг 60 мг аскорбин кислотаси билан комбинацияланган препарати ёрдамида амалга оширилди 100 мг дан кунига 1 марта қабул қилиш темирнинг 30% кўпроқ сўрилишини таъминлайди ва ЛТТни меъёрлаштириш учун етарли кунлик доза ҳисобланади.

Аёлларда прегравидар тайёргарлик босқичида ЛТТ билан параллел равишда текширилганда қондаги умумий оқсил даражасининг пасайиши аниқланди. Умумий оқсил даражасини ошириш, шунингдек, темирнинг ҳазм бўлишини яхшилаш учун темир препаратига қўшимча равишда аминокислота-витамин комплекси тавсия этилди. Ушбу комплексни аёллар 1 капсуладан 2 маҳал қабул қилишган.

Комплекс терапия 2-гуруҳ аёлларига 4–6 ҳафта давомида умумий қон таҳлили ва ферритин даражаси назорати остида ўтказилди. Бу аёллар ЛТТ комплекс терапияси ва ЭКУ дастурини қачон ўтказганликларига қараб иккита кичик гуруҳга бўлинди.

- **2а-гуруҳча:** темир танқислиги аниқланган кундан бошлаб ЛТТ комплекс терапиясини олди ва параллел равишда ЭКУ дастурида иштирок этди.
- **2б-гуруҳча:** ЛТТ комплекс терапияси темир танқислиги аниқланган кундан бошланди, аммо ЭКУ дастури терапия тугаганидан 1,5–2 ой ўтгач амалга оширилди.

Ўрганилган гуруҳларни таҳлил қилиб, биз бепуштлиқ давомийлигида фарқларни аниқладик. Назорат гуруҳида (НГ) ўртача давомийлик $5,4 \pm 0,19$ -йилни ташкил этди, бу биринчи ($7,4 \pm 0,26$ -йил) ва иккинчи ($7,2 \pm 0,24$ -йил) гуруҳларга нисбатан сезиларли даражада паст бўлиб, НГ ва 2-гуруҳ ўртасидаги фарқ сезиларли бўлди ($p < 0,001$). Бу шуни кўрсатадики, 1- ва 2-гуруҳдаги аёлларда умуман бепуштлиқ узокроқ давом этган, бу ферритин даражасининг пастлиги ва унинг ЛТТнинг узокроқ даври билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Шунингдек, бепуштлиқ тури бўйича ҳам маълумотлар таҳлил қилинган. Статистик таҳлил бепуштлиқ турларининг тақсимланиши бўйича гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқларни аниқламади.

Учта клиник гуруҳда ЁРТ қўллаш частотасини таққослаш келтирилган. Анамнезда ЁРТнинг умумий частотаси 1-гуруҳда 25%ни ташкил этди ва 2-гуруҳда ЁРТ частотаси 18,5%ни ташкил этди (НГ билан солиштирганда $\chi^2 = 2,32$; $p > 0,05$), бу назорат гуруҳига (4,8%) нисбатан юқори, аммо фарқ статистик аҳамиятга эга бўлмади ($\chi^2 = 3,36$; $p > 0,05$). ЭКУ частотасининг сезиларли ўсиши 1-гуруҳда ҳам (35%), 2-гуруҳда ҳам (30,8%) назорат гуруҳига (4,8%) нисбатан қайд этилди. Статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар 1-гуруҳ ($\chi^2 = 5,96$; $p < 0,05$) ва 2-гуруҳ ($\chi^2 = 5,82$; $p < 0,05$) билан таққосланганда аниқланди. 1 ва 2 гуруҳлар ўртасида ишончли фарқлар аниқланмади ($\chi^2 = 0,13$; $p > 0,05$). Энг яққол фарқлар инсеминация частотасини таҳлил қилишда қайд этилган. 1-гуруҳда ушбу усул 55% ҳолатда, 2-гуруҳда эса 23,1% ҳолатда қўлланилган, фарқ статистик аҳамиятга эга бўлди ($\chi^2 = 7,34$; $p < 0,01$).

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, ферритин етишмовчилиги бўлган аёллар, айниқса илгари ЭКУ дастурлари муваффақиятсиз уриниш бўлган аёллар, ЁРТнинг турли шакллари, шу жумладан, инсеминацияга тез-тез мурожаат қилишади. Эҳтимол, ферритин даражасининг пасайиши яширин ёки аниқ темир танқислигини акс эттиради, бу эса репродуктив салоҳиятга, тухумдон захирасига, имплантация жараёнига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, бу эса ЁРТ усуллари такроран қўллашни талаб қилади. Ушбу маълумотлар бепушт аёлларни даволашга тайёрлашнинг бир қисми сифатида темир танқислигини ташхислаш ва тузатишнинг муҳимлигини тасдиқлайди.

Биз гуруҳлар ўртасидаги фарқлар ва уларнинг акушерлик натижалари билан ўзаро боғлиқликни таҳлил қилдик. 1-гуруҳда ЭКУ протоколдан сўнг, ҳомила тушишлари 30% аёлларда кузатилган. 2-гуруҳда 23,1% аёлларда ҳомила тушишлар содир бўлган. Гуруҳлар ўртасида статистик аҳамиятлилик

аниқланмади ($p>0,05$), бу 3Ф даражаси ва ҳомила тушишлар частотаси ўртасида ишончли боғлиқлик йўқлигини кўрсатади. 1-гуруҳда ҳомила тушишининг юқори частотаси кузатилди - 35%, бу назорат гуруҳи (9,5%) ва 2-гуруҳ (16,9%) кўрсаткичидан сезиларли даражада юқори. Назорат ва 1-гуруҳ ўртасидаги фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли ($p<0,05$), бу ферритиннинг паст даражаси ва ҳомила тушиши частотасининг ошиши ўртасидаги боғлиқликни тасдиқлайди. Бачадондан ташқари ҳомиладорлик частотаси 1-гуруҳда 25%ни ва 2-гуруҳда 13,8% ни ташкил этди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқ статистик аҳамиятга эга эмас ($p>0,05$), бу ферритин даражаси ва бачадондан ташқари ҳомиладорлик частотаси ўртасида боғлиқлик йўқлигини тасдиқлайди.

1-гуруҳда 40% аёллар анамнезида икки ва ундан ортик туғруқлар бўлган, бу назорат гуруҳи (9,5%) ва 2-гуруҳга (32,3%) нисбатан сезиларли даражада кўп. Назорат гуруҳи ва 1-гуруҳ ўртасидаги фарқ статистик жиҳатдан аҳамиятли ($p<0,05$), бу 3Фнинг паст даражаси ва туғруқлар сонининг кўпайиши ўртасида мумкин бўлган боғлиқликни кўрсатади.

Тадқиқотимиз давомида бепушт аёллар орасида турли хил гинекологик касалликларнинг тарқалиши тўғрисидаги маълумотлар таҳлил қилинди. Бачадон миомасининг частотаси темир танқислиги бўлган гуруҳда (1-гуруҳда 25% ва 2-гуруҳда 22%) назорат гуруҳига нисбатан биров юқори эди ва 20% аёлларда учради. Бироқ, гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқлар ($p>0,05$) кузатилмади. Худди шундай натижалар эндометрий полиплари учун ҳам темир танқислиги бўлган гуруҳда кўпроқ учради. Бу ферритин даражасининг ушбу касалликнинг тарқалишига заиф таъсирини кўрсатиши мумкин, аммо бу ҳали ҳам чуқурроқ изланишни талаб қилади. Сактосальпинкс 1-гуруҳдаги аёлларнинг 30%да ва 2-гуруҳдаги аёлларнинг 25%ида қайд этилган, бу назорат гуруҳига қараганда сезиларли даражада юқори (15%) натижани қайд этди. Синехиялар 1-гуруҳдаги аёлларнинг 20%ида ва 2-гуруҳда 15%ида кузатилган, бу ҳам уларнинг назорат гуруҳидаги частотасидан (10%) юқори бўлди. Сурункали эндометрит барча гуруҳлар орасида ўхшаш натижаларни кўрсатди: 1-гуруҳдаги аёлларнинг 20%ида, 2-сида 15%да ва назорат гуруҳида 10%ида қайд этилган. Бироқ, фарқларнинг статистик аҳамиятига эришилмади ($p>0,05$), бу сурункали эндометрит темир танқислигига боғлиқ бўлмаслигини кўрсатади.

2-жадвал.


Бепуштлиқ мавжуд аёлларда ҳайз циклининг таҳлили.

Ҳайз цикли	НГ, n=21		1-таққос. гуруҳ, n=20		χ^2	$P_{к-1}$	2-асосий гуруҳ, n=65		χ^2	$P_{к-2}$	χ^2	P_{1-2}
	абс	%	абс	%			абс	%				
мунтазам	15	71,4	11	55	1,1 9	>0,05	32	49,2	3,16	>0,05	0,2	>0,05
номунтазам	6	28,6	9	45	1,1 9	>0,05	32	49,2	2,75	>0,05	0,11	>0,05
менархе	13,0±0,24		12,6±0,47		>0,05		13,3±0,19		>0,05		>0,05	

1-чи кунда таглик сони	3,9±0,17		4,0±0,24		>0,05		3,6±0,13		>0,05		>0,05	
оғриқ	8	38,1	14	70	4,1 9	<0,05	36	55,4	1,9	>0,05	1,35	>0,05
давомийлиги	5,8±0,43		6,8±0,31		>0,05		6,4±0,15		>0,05		>0,05	
21-27 кун	-	-	6	30,0	-	-	13	20,0	-	-	0,88	>0,05
28 кун	-	-	4	20,0	-	-	17	26,2	-	-	0,31	>0,05
28-35 кун	18	85,7	9	45,0	7,5 5	<0,01	20	30,8	19,4	<0,001	1,38	>0,05
> 35 кун	3	14,3	1	5,0	1,0	>0,05	15	23,1	0,74	>0,05	3,27	>0,05

Ҳайз цикли бузилишлари ҳайзнинг мунтазамлиги, циклнинг давомийлиги, қон келишнинг давомийлиги ва оғриқ синдромига кўра таҳлил қилинди (2-жадвал). Кўрсаткичларга кўра гуруҳлараро фарқлар статистик аҳамиятга эга бўлмасда, темир танқислиги циклнинг давомийлигига, оғриқ синдроми мавжуд аёлларнинг сонига ва эҳтимол нормал овуляцияга таъсир кўрсатиши аниқланди.

Тадқиқотимиз давомида соматик касалликларнинг тарқалишини таҳлил қилдик (3-расм).



3-расм. Бепуштлиқ мавжуд аёлларда соматик анамнез таҳлили, %

Шундай қилиб, тадқиқотимиз натижалари шуни кўрсатдики, темир танқислиги меъда-ичак ва эндокрин касалликларининг юқори частотаси, шунингдек, ЗФ паст бўлган гуруҳларда юрак-қон томир касалликларининг юқори частотаси билан боғлиқ бўлиши мумкин, бу бепушт аёлларнинг репродуктив саломатлигига таъсир қилиши мумкин.

Тадқиқот доирасида олинган маълумотларни таҳлил қилиш жараёнида ферритин даражаси турлича бўлган гуруҳлар ўртасида умумий қон таҳлили кўрсаткичларида фарқлар аниқланди, бу эса бепушт аёлларда темир танқислигининг гематологик кўрсаткичларга таъсири ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Назорат гуруҳида эритроцитлар ва гемоглобин

кўрсаткичлари бошқа икки гуруҳга нисбатан сезиларли даражада юқори бўлди ($p < 0,001$). Бу 1- ва 2-гуруҳларда темир танқислиги мавжудлигини тасдиқлайди, бунда гемоглобин ва эритроцитлар концентрациясининг пасайиши кузатилади. 1- ва 2-гуруҳларда эритроцитларнинг ўртача ҳажми (MCV) назорат гуруҳига нисбатан пасайиши кузатилди ($p < 0,001$). 1- ва 2-гуруҳларда эритроцитлардаги гемоглобиннинг ўртача миқдори (MCH) кўрсаткичлари назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада паст бўлган (1-гуруҳ учун $p < 0,01$, 2-гуруҳ учун $p < 0,001$). Темир танқислиги бўлган иккала гуруҳда ҳам назорат гуруҳига нисбатан эритроцитлар тарқалиш кенглигининг (RDW-CV) сезиларли даражада ошиши кузатилди ($p < 0,001$). Бу анизоцитоз мавжудлигини кўрсатади, бу ҳам темир танқислиги ва эритроцитларнинг нормал регенерациясининг бузилишини тасдиқлайди. Тромбоцитларнинг ўртача ҳажми (MPV) ва тарқалиш кенглиги (PDW) каби кўрсаткичлар барқарор бўлиб, темир даражасига қараб ўзгармади.

Қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатдики, 1-гуруҳда ГГТ даражаси назорат гуруҳига қараганда паст бўлган ($p < 0,05$), 2-гуруҳда эса ГГТ даражаси сезиларли даражада ошган ($p < 0,05$). Бу метаболик бузилишлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Амилаза даражасининг статистик жиҳатдан сезиларли ўсиши 1-гуруҳда назорат гуруҳига ($p < 0,001$) ва 2-гуруҳга ($p < 0,01$) нисбатан қайд этилди. Бу ферритин даражаси паст бўлган аёлларда овқат ҳазм қилиш функцияларининг бузилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Умумий оқсил даражаси 1-гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан паст бўлган ($p < 0,01$), бу темир танқислигида жигарнинг синтетик функциясининг бузилишини кўрсатиши мумкин. Альбумин даражаси 1-гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада кам эди ($p < 0,05$). Креатинин даражаси 1- ва 2-гуруҳларда назорат гуруҳига нисбатан паст бўлган ($p < 0,05$). Бу темир танқислигида моддалар алмашинувининг бузилиши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Гуруҳлар ўртасида С-реактив оқсил даражасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятсиз бўлиб ($p > 0,05$), бу ушбу гуруҳларда яққол яллиғланиш реакциясининг йўқлигини кўрсатади.

Назорат ва тадқиқот гуруҳлари ўртасидаги биокимёвий кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатдики, бепушт аёлларда ЛГТ метаболизмнинг яширин бузилишлари мавжуд бўлиши мумкин. Ушбу маълумотлар бепуштлиги бўлган аёлларни даволаш ва ЁРТ қўллашга тайёрлашда ЛГТни ҳисобга олиш зарурлигини тасдиқлайди.

Бепуштлиги бўлган аёлларнинг гормонал ҳолатини ўрганишда биз НГ ва темир танқислиги бўлган иккала гуруҳ ўртасидаги фарқни аниқладик, улар статистик жиҳатдан аҳамиятли эди ($p < 0,001$), бу темир даражаси паст бўлган аёлларда ФСГ, ЛГ ва эстрадиолнинг янада аниқ гиперсекрециясини кўрсатиши мумкин, бу ЛГТ бўлган аёлларда гормонал тартибга солишнинг номутаносиблигини кўрсатади. Текширилаётган гуруҳларда пролактин даражасининг назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада ошиши кўпинча бепуштликда кузатиладиган гиперпролактинемия билан боғлиқ бўлиши мумкин ва тестостерон даражасининг ошиши кўпинча тухумдон поликистозидан синдроми билан боғлиқ бўлган гиперандрогения ривожланишидан далолат

бериши мумкин. ДГЕА 2-гурухда ошган ва темир танқислигида андрогенлар секрециясининг ошишини кўрсатиши мумкин. Текширилган гуруҳларда 17-ОН прогестеронининг назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада ошиши буйрак усти безлари функциясининг бузилиши ва гиперандрогениянинг кучайишини кўрсатиши мумкин. НГ да АМГ даражаси $4,4 \pm 1,4$ ни ташкил этди, 1-гурухда ва 2-гурухда АМГ даражаси мос равишда $2,6 \pm 0,09$ ва $3,1 \pm 0,10$ га камайди. НГ ва темир танқислиги бўлган иккала гуруҳ ўртасидаги фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли ($p < 0,001$), бу темир танқислиги бўлган аёлларда тухумдон захирасининг пасайишини кўрсатиши мумкин. Темир танқислиги бўлган аёлларда гормонал ҳолатда сезиларли ўзгаришлар кузатилади, шу жумладан ЛГ, ФСГ, прогестерон, пролактин, тестостерон ва 17-ОН прогестерон даражасининг ошиши, бу эса гормонал бошқарувнинг номуносивблигини кўрсатади. Шу билан бирга, АМГ даражасининг пасайиши кузатилди, бу тухумдон захирасининг пасайишини кўрсатиши мумкин. Ушбу ўзгаришлар аёлларнинг репродуктив саломатлигига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин, бу эса аёлларни бепуштликни даволашга тайёрлашда темир танқислигини ташхислаш ва тuzатиш зарурлигини таъкидлайди.

Олинган маълумотларнинг қиёсий таҳлили 1- ва 2-гурух аёлларида назорат гуруҳига нисбатан темир алмашинувининг яққол бузилишларини кўрсатди (3-жадвал).

3-жадвал.

Бепуштлик мавжуд аёлларда темир алмашинуви кўрсаткичлари, ($M \pm m$)

Темир алмашинуви	НГ, n=21	1-таккослаш гуруҳи, n=20	2-асосий гуруҳ, n=65	P_{K-1}	P_{K-2}	P_{1-2}
Ферритин	$60,0 \pm 4,4$	$11,1 \pm 0,98$	$14,6 \pm 1,1$	$<0,001$	$<0,001$	$<0,05$
Трансферрин	$2,2 \pm 0,08$	$3,9 \pm 0,14$	$3,9 \pm 0,07$	$<0,001$	$<0,001$	$>0,05$
Темир	$15,8 \pm 0,56$	$10,6 \pm 0,22$	$10,5 \pm 0,15$	$<0,001$	$<0,001$	$>0,05$
УТБҚ	$37,3 \pm 1,2$	$78,7 \pm 1,3$	$80,8 \pm 0,88$	$<0,001$	$<0,001$	$>0,05$
ТТТ (трансферриннинг темирга тўйиниши)	42,4%	13,5%	13,0%	$<0,001$	$<0,001$	$>0,05$

Назорат гуруҳида ЗФ даражаси $60,0 \pm 4,4$ нг/мл ни ташкил этди ва 1-гурухга нисбатан 5 марта юқори бўлди ($11,1 \pm 0,98$ нг/мл). Назорат гуруҳи ва иккала ўрганилган гуруҳлар ўртасидаги фарқлар сезиларли бўлиши ($p < 0,001$) ва 1- ва 2-гурухлар ўртасида статистик жиҳатдан фарқларнинг йўқлиги ($p < 0,05$) иккала гуруҳда ҳам ЛТТ мавжудлигини кўрсатади. 1- ва 2-гурухларда ЗТ даражасининг ошиши (мос равишда $3,9 \pm 0,14$ ва $3,9 \pm 0,07$ г/л) назорат гуруҳига ($2,2 \pm 0,08$ г/л) нисбатан сезиларли бўлди ($p < 0,001$), бу ЛТТ компенсатор реакцияси учун хосдир. 1- ва 2-гурухлар ўртасида фарқлар аниқланмади ($p > 0,05$), бу темир танқислигида унинг транспорт тизимидаги кучланишнинг сақланиб қолишини кўрсатиши мумкин. ЗФ танқислиги бўлган

аёлларда ЗТ кўрсаткичи ($10,6 \pm 0,22$ ва $10,5 \pm 0,15$ мкмол/л) назорат гуруҳига ($15,8 \pm 0,56$ мкмол/л) нисбатан сезиларли даражада паст бўлиб, юқори даражадаги ишончликни кўрсатди ($p < 0,001$). Текширилаётган гуруҳлар ўртасида ҳам фарқлар аниқланмади ($p > 0,05$), бу бир хил темир танқисликни кўрсатади. ЛТТ мавжуд аёлларда УТБҚ сезиларли даражада ошди - 1- ва 2-гуруҳларда кўрсаткичлар $78,7 \pm 1,3$ ва $80,8 \pm 0,88$ мкмол/л, назорат гуруҳида эса $37,3 \pm 1,2$ мкмол/л ($p < 0,001$) ни ташкил этди, бу ЛТТнинг фаол босқичи мавжудлигини тасдиқлайди. ЛТТ бўлган беморларда ТТТ даражаси (1-гуруҳда $13,5\%$ ва 2-гуруҳда $13,0\%$) назорат гуруҳига ($42,4\%$) нисбатан сезиларли даражада пасайган, $p < 0,001$. 1- ва 2-гуруҳлар ўртасида фарқлар қайд этилмади ($p > 0,05$), бу ҳам ушбу гуруҳларда темир транспорт тизимининг сақланиб қолаётган дисфункциясини таъкидлайди.

Ушбу тадқиқот бепуштлиги мавжуд аёлларда ЛТТнинг юқори тарқалганлигини кўрсатди ва ЭКУ дастурларига тайёргарлик жараёнида темир алмашинувини эрта ҳамда етарли муддат давомида меъёрлаштириш зарурлигини тасдиқлади.

ЛТТ комплекс терапиясининг самарадорлигини баҳолаш учун пункциядан олдин иккинчи гуруҳдаги барча аёлларда темир алмашинуви кўрсаткичлари (УҚТ, ЗФ, ЗТ, УТБҚ, ТТТ) қайта текширувдан ўтказилди. Иккала кичик гуруҳда ҳам қондаги ЗФ меъёрнинг пастки чегарасидан ошди, бу терапевтик таъсирга эришилганлигини кўрсатади. Бирок, 2а гуруҳчада кўрсаткичлар сезиларли даражада юқори бўлди ($p < 0,05$), бу, эҳтимол, стимуляция пайтида темир препаратларини қабул қилиш билан боғлиқ.

